

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

Савдо объектларида сотилаётган товарларни сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш ва камчилиги бор товарларни ҳамма учун очиқ базасини юритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида Низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги, «Стандартлаштириш тўғрисида» ги, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» ги ва «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» ги қонунларга мувофиқ, сотилаётган истеъмол товарларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек инсон соғлиғи учун хавф туғдирадиган маҳсулотдан истеъмолчиларни ҳимоялаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзстандарт» Агентлиги қошидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус фондининг воситалари ҳисобига, кейинчалик камчиликлари бўлган товарлар тўғрисида ҳамма учун очиқ ахборот базаси ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш билан савдо объектларида сотилаётган товарларнинг сифати ва хавфсизлигини мониторингини ташкиллаштириш тўғрисидаги «Ўзстандарт» Агентлиги ва Ўзбекистон Истеъмолчиларни ҳимоя қилиш Федерациясининг таклифи қабул қилинсин.

2. Тасдиқлансин:

савдо объектларида сотилаётган товарларни сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш ва камчилиги бор товарларни ҳамма учун очиқ базасини юритиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида Низом 1 – сонли иловага асосан;

савдо объектларида сотилаётган товарларни сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш ва камчилиги бор товарларни ҳамма учун очиқ базасини шакллантириш схемаси 2 – сонли иловага асосан.

3. «Ўзстандарт» Агентлигига:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлиги билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июнигача бўлган муддатда, жойлаштирилган ахборотлар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиб чиқиш имкониятини кўзда тутувчи, камчиликлари бўлган товарлар тўғрисида ҳамма учун очиқ ахборот база маълумотлари ишлашининг аппарат – дастурий таъминотини яраталисин;

тизимли асосда савдо объектларида сотилаётган товарларни сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш ва камчилиги бор товарларни ҳамма учун очик базасини юритиш амалга оширилишини таъминлансин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзстандарт» Агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қуйидагилар таъминлансин:

ушбу қарор мақсадлари ва мазмуни тўғрисида аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик фаолияти субъектларини кенг қўламда хабардор қилиш;

савдо объектларида сотилаётган товарларни сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилишни амалга оширишга бағишланган, махсус телекўрсатувларни доимий асосда ташкиллаштириш.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрдаги 342-сонли «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» ги (СП Республики Узбекистан, 2002 й., № 10, ст. 56) қарорининг 13-бандида:

кейинги таҳрирда ўн бешинчи хат боши билан тўлдирилсин «савдо объектларида сотилаётган товарларни сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш ва камчилиги бор товарларни ҳамма учун очик базасини юритишни амалга ошириш бўйича сарф-харажатлар қопланишига»;

ўн бешинчи хат боши тегишли тарзда ўн олтинчи хат боши деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – «Узагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси Н.С. Отажонов ва «Ўзстандарт» Агентлигининг бош директори А.У. Каримовга юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Бош Вазири

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
«___»_____2018 йилдаги
_____-сонли қарорига 1-сонли
ИЛОВА

**Савдо объектларида сотилаётган товарларни сифати ва хавфсизлигини
мониторинг қилиш ва камчилиги бор товарларни ҳамма учун очик базасини
юретиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом қуйидаги тартибни белгилайди:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида савдо объектларида сотиладиган товарларнинг сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш;

умумий фойдаланишдаги ахборот ресурсларига жойлаштириладиган камчиликларга эга товарлар тўғрисида ахборот базасини (КТБ) юретиш.

2. Савдо объектларида сотиладиган товарларнинг сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш (кейинчалик-мониторинг) ушбу Низомга мувофиқ ҳолда уларни сотиб олиш ва аккредитацияланган синов лабораторияларида синовдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. Камчиликларга эга товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базасини юретиш мониторинг натижалари асосида Ўзстандарт Агентлиги томонидан амалга оширилади.

4. Миллий теле-радио компания билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси билан биргаликда Ўзстандарт Агентлиги томонидан тасдиқланган савдо объектларида сотиладиган товарларнинг сифати ва хавфсизлигини мониторинг қилиш Режаси мониторингни амалга ошириш учун асос бўлади.

2 -боб. Мониторингни амалга ошириш тартиби

5. Мониторингни амалга ошириш бўйича ишлар ҳар чоракда тасдиқланадиган Мониторинг ўтказиш режаси асосида Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси билан биргаликда Ўзстандарт Агентлиги томонидан ташкил этилади.

Мониторинг ўтказиш режаси тасдиқлашда камчиликларга эга товарларнинг мавжудлиги тўғрисида жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан келиб тушган мурожаатлар ҳисобга олинади.

Мониторинг ўтказиш режаси товарнинг номи, мониторинг ўтказиш санаси, минтақа, аккредитацияланган синов лабораторияси номи ва мониторингни амалга ошириш учун жалб этиладиган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатланган давлат органи, Миллий теле-радио компания бўлинмаларини ўз ичига олади.

Мониторинг ўтказиш режаси «ишда фойдаланиш учун белгиланган» грифли махфий ҳужжат ҳисобланади.

6. Мониторингни амалга ошириш учун, қуйидагиларни белгилайдиган Ўзстандарт Агентлиги Бош директорининг буйруғи (кейинчалик-Буйруқ) чиқарилади:

мониторинг ўтказиш учун асос;

товарларни сотиб олиш ва синовдан ўтказиш учун масъул бўлган эксперт-аудиторнинг (кейинчалик- Эксперт) фамилияси, исми ва отасининг исми;

товарларнинг номи ва миқдори;

сотиб олиш жойи ва ўтказиш санаси;

синов лабораториясининг номи;

ажратиладиган маблағлар суммаси.

7. Буйруққа асосан Эксперт, Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан биргаликда товарни сотиб олиш учун савдо объектига юборилади.

Бунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа махсус ваколатланган давлат органлари вакиллари ҳам жалб этилиши мумкин.

8. Эксперт истеъмолчи сифатида товар сотиб олади ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятига аралаштириш ҳамда истеъмолчи учун мавжуд бўлмаган товарлар тўғрисидаги маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

9. Сотиб олинган товар озиқ-овқат маҳсулоти бўлса, Эксперт Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси вакиллари иштирокида товарни махсус контейнерга жойлаштиради ва муҳрлайди.

Бунда, контейнер товарни синов лабораториясига етказиб беришдан олдин тегишли сақлаш шароитларини таъминлаши керак.

10. Савдо объектларида товарни сотиб олиш жараёни видеотасвирга ёзилади. Видеотасвир тайёрлаган оммавий ахборот воситалари вакиллари икки иш куни мобайнида суратга олинган материаллар нусхасини Ўзстандарт Агентлигига топширади.

Видеотасвир материаллари оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш учун тақдим қилиниши мумкин.

11. Савдо объекти ушбу низом доирасида амалга ошириладиган мониторинг ўтказиш бўйича ишларга аралаштириш ҳуқуқига эга эмас.

12. Буйруқда кўрсатилган товар савдо объектида мавжуд бўлмаса, Эксперт

товар сотиб олмайди ва белгиланган тартибда Ўзстандарт Агентлиги раҳбариятига хабар беради.

13. Ҳарид тугагандан кейин Эксперт товарни буйруқда кўрсатилган синов лабораториясига етказиб беради.

14. Синов лабораториясига товар билан бирга ҳаридни амалга оширган Эксперт томонидан тўлдирилган сотиб олиш далолатномаси ва товарни идентификациялаш ушбу Низомнинг 1-сонли иловасига мувофиқ шакл бўйича тақдим этилади.

15. Синов лабораторияси, товарни тақдим этилган сотиб олиш далолатномасига мувофиқлигини текширади ва товарни синов ўтказиш учун қабул қилади.

Товар тақдим этилган сотиб олиш далолатномасига номувофиқ бўлса, синов лабораторияси синов ўтказишни рад этади.

16. Товарлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган усулларга мувофиқ ҳолда синовдан ўтказилади.

17. Синовлар уч кун давомида ўтказилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган усулларга мувофиқ ҳолда синовдан ўтказиладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича узоқроқ муддат талаб этилади, синовлар кўпи билан ўн кун давомида ўтказилади.

18. Товарларни синовдан ўтказиш жараёни видеотасвирга ёзилади. Видеотасвир материаллари оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш учун тақдим қилиниши мумкин.

19. Лаборатория синови тугашига қараб, бир иш куни давомида ушбу Низомнинг 2-сонли иловасига мувофиқ шакл бўйича синов баённомаси Экспертга берилади.

Синов лабораторияси қонун томонидан белгиланган тартибда унга берилган синов баённомасининг ишончилиги ва ҳолислигига жавобгардир.

20. Синов лабораторияси яроқсизга чиқарилган товар ва қайтариладиган товар миқдорини синов баённомасида кўрсатишга мажбурдир.

Қайтарилган товар белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун Эксперт томонидан Ўзстандарт Агентлигига топширилади.

21. Ўтказилган синов натижалари бўйича, Эксперт томонидан бир кундан кўп бўлмаган вақт ичида ушбу Низомнинг 3-сонли иловасига мувофиқ шакл бўйича ҳисобот тайёрланади ва камчиликларга эга бўлган товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базасига мониторинг натижаларини киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Ўзстандарт Агентлиги раҳбариятига киритилади.

22. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат бошқарув органлари томонидан тақдим этилган товарлар намуналарини синовдан ўтказиш қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилади. Товарларнинг камчиликларини аниқлашда тегишли ахборот товар намуналарини кўрсатган органнинг ташаббуси

билан камчиликларга эга товарлар тўғрисида оммавий ахборот базасига киритилиши мумкин.

3-боб. Камчиликларга эга товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базасини юритиш

23. Камчиликларга эга товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базаси камчиликлари аниқланган товарлар тўғрисида давлат бошқарув органлари, юридик ва жисмоний шахслар учун ахборот манбаи ҳисобланади.

24. Маълумотлар базаси ишлаш, техник кузатув, ахборотнинг сақланиши, ҳаммабоп ахборот ресурсига жойлаштириш, шунингдек рухсат этилмаган фойдаланишдан сақлашни таъминлайдиган Ўзстандарт Агентлиги томонидан юритилади.

25. Камчиликларга эга товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базасига (кейинчалик-Маълумотлар базаси) товарларни киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, Ўзстандарт Агентлиги бир кунлик муддат ичида Маълумотлар базасига тегишли ахборотни киритишни таъминлайди ва камчиликларга эга товарлар тўғрисида хабарнома юборади:

савдо объекти, товар ишлаб чиқарувчиси ва қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўриш учун товарларга мувофиқлик сертификатини берган сертификатлаштириш органига;

Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти федерацияси ва товарлар сотиб олишда мониторинг натижаларини кенг ёритишни ташкил қилиш учун жалб этиладиган оммавий ахборот воситалари.

26. Маълумотлар базасидаги ахборот мажбурий тартибда қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

товар номи ва унинг сурати;

товар ишлаб чиқарувчиси (етказиб берувчи) номи;

савдо объектининг номи ва манзили;

мониторинг ўтказиш санаси ва вақти;

товарни сертификатлаштирган орган номи;

ушбу турдаги товар учун норматив ҳужжат;

синов лабораториясининг ҳулосаси.

4-боб. Камчиликларга эга товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базасидан маълумотни чиқариб ташлаш

27. Аниқланган камчиликларни бартараф этадиган ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ёки савдо объекти Ўзстандарт Агентлигига товарнинг камчиликларини бартараф этиш ва уни Маълумотлар базасидан чиқариб ташлашни сўраб ёзма равишда сўровнома юборади.

28. Ўзстандарт Агентлиги сўров олинган кундан бошлаб бир ҳафта давомида ушбу Низомнинг 6-21 бандларида белгиланган тартибда қайта мониторинг ўтказилади.

29. Қайта мониторинг ижобий натижаларида, Ўзстандарт Агентлиги икки кун мобайнида товар тўғрисидаги ахборотни Маълумотлар базасидан чиқариб ташлайди.

30. Товарларнинг камчилиги такрор аниқланган тақдирда, қайта мониторинг натижалари камида 3 ойлик муддат ичида маълумотлар базасига жойлаштирилади, муддат тугаши билан навбатдаги мониторинг ўтказилиши мумкин.

5-боб. Мониторинг ва камчиликларга эга товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базасини юритиш бўйича ишларни молиялаштириш

31. Мониторинг ва камчиликларга эга товарлар тўғрисида ҳаммабоп ахборот базасини юритиш бўйича ишларни молиялаштириш Ўзстандарт Агентлиги қошидаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус фонди маблағлари ҳисобидан ушбу махсус жамғарманинг ҳар йиллик тушимидан 3 фоизи миқдорида амалга оширилади.

32. Ўзстандарт Агентлиги ҳар ойнинг 5 санасига қадар товар сотиб олиш учун банк томонидан бериладиган пул маблағлари ҳисобини хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этади.

33. Агар талаб қилинадиган асосий депозит ҳисобида маблағлар мавжуд бўлса, хизмат кўрсатувчи банк Ўзстандарт Агентлигига тақдим этилган ҳисобкитобда белгиланган миқдорда товарлар сотиб олиш учун пул маблағлари ажратади.

Ойнинг охирида фойдаланилмаган аванснинг қолган қисми талаб қилинганга қадар, депозит ҳисобига ўтказиш учун хизмат кўрсатувчи банкка қайтарилиши лозим.

34. Банкдан олинган пул маблағлари ўша куннинг ўзида белгиланган тартибда кирим дафтарига ёзиб қўйилади.

35. Мониторинг ўтказиш учун пул маблағлари фақат Ўзстандарт Агентлиги раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланган чиқим ордери бўйича Ўзстандарт Агентлигининг моддий-жавобгар шахсига ҳисобот билан тақдим этилади.

36. Ўзстандарт Агентлигининг Бош ҳисобчиси, Ўзстандарт Агентлиги моддий-жавобгар шахсининг олинган пул маблағларидан мақсадли фойдаланишини текширади.

Пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни тасдиқлаш сотиб олинган маҳсулотлар учун белгиланган намунанинг чеки бўлиб ҳисобланади.

37. Олинган пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик Ўзстандарт Агентлиги раҳбари ва бош ҳисобчисига юклатилади.

38. Синов лабораториялари хизматларини ва ҳаммабоп ахборот базасини яратиш ва техник кузатиш бўйича ишларни молиялаштириш белгиланган тартибда ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

39. Ўзстандарт Агентлигининг Маълумотлар базасига тегишли товарни киритиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Агар суд томонидан тегишли товарни Маълумотлар базасига киритилишининг асосизлиги тан олинса, Ўзстандарт Агентлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ёки савдо объекти олдида жавобгар ҳисобланади.

40. Камчиликлар аниқланган товарнинг ишлаб чиқарувчиси (етказиб берувчи) уни бартараф этиш бўйича маслаҳат олиш учун Ўзстандарт Агентлигига мурожаат қилиши мумкин.

Консультация бепул амалга оширилади.

41. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.